

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ПРИСКУЛОВА ЭЛЬМИРА УРАИМКУЛОВНА

**ҚУЛОҚ ОЛДИ СЎЛАК БЕЗИ ХАВФСИЗ ЎСМАЛАРИНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШДА ҚИЁСИЙ ЁНДАШУВ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ирискулова Эльмира Ураимкуловна

Қулоқ олди сўлак беши хавфсиз ўсмаларини ташхислаш ва даволашда қиёсий ёндашув..... 3

Ирискулова Эльмира Ураимкуловна

Дифференцированный подход к диагностике и лечению доброкачественных опухолей околоушной слюнной железы..... 22

Iriskulova Elmira Uraimkulovna

Differentiated approach to diagnosis and treatment of parotid salivary gland benign tumors..... 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ПРИСКУЛОВА ЭЛЬМИРА УРАИМКУЛОВНА

**ҚУЛОҚ ОЛДИ СЎЛАК БЕЗИ ХАВФСИЗ ЎСМАЛАРИНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШДА ҚИЁСИЙ ЁНДАШУВ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib682 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб - саҳифасида (www.tsdі.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жилонов Абдубори Астонаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Боймуратов Шухрат Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Ўзбекистон Республикаси)

Аржанцев Андрей Павлович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот:

С.Д. Асфендияров номидаги Қозок миллий тиббиёт университети (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tsdi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65).

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.
(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.К. Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

У.А. Шукурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўлак беги касалликлари билан оғриган беморларга нисбатан онкологик хушёрлик долзарб бўлиб қолмоқда, чунки кисталар ва сиаладенозлар ўсмалар билан клиник белгилари ўхшашдир. Кулоқ олди сўлак безлари бошқа сўлак безларига нисбатан кўпроқ ўсма билан зарарланади. Мавжуд илмий маълумотлар кулоқ олди сўлак беги хавфсиз ўсма билан касалланиш тарқалишининг ортиб бораётганлигидан далолат беради. Кўплаб гистологик турлар орасида учраши бўйича кулоқ олди сўлак безининг эпителиал хавфсиз ўсмалари устун бўлиб, уларнинг қаторида плеоморф аденома етакчи ўринни эгаллайди. Бу борада чет эллик муаллифларнинг «...хавф гуруҳига сўлак безларининг хавфсиз ўсмаларини ҳам ўз ичига олади, уларни жарроҳлик амалиёти билан даволаш, бу соҳанинг рақини олдини олиш чорасидир...»¹ каби маълумотлари келтирилган. Шундай қилиб, кулоқ олди сўлак беги соҳасидаги ўсмалар диагностика ва клиника йўналишдаги шифокорлар орасида қизиқиш уйғотади.

Жаҳонда илмий маълумотларнинг тўпланиши ва такомиллашиши билан сўлак безлари ўсмаларининг ҳалқаро гистологик таснифи шакллантирилиб, ҳозирги кунда кенгайган ва ўзгарган тўртта нашрни ташкил этмоқда. Бу борада кулоқ олди сўлак беги ўсмаларини ташхислаш усулларини такомиллаштириш; ташхислашда комплекс ултратовуш, мултиспирал компьютер томографияси (МСКТ) ва магнитли резонанс томографияси (МРТ) текширувларини қўллаш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда кулоқ олди сўлак беги хавфсиз ўсмаларини даволашда изланувчиларнинг жарроҳлик тажрибаси юз нервини мажбурий сақлаш билан қуйидаги: экстракапсуляр диссекция, қисман безнинг резекцияси, субтотал резекция (юза паротидэктомияси), паротидэктомияда мақсадга мувофиқ адекват операция ҳажмини қўллашини исботлайди ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларга алоҳида ва доимий эътибор қаратилмоқда. Бу борада «...соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш, соҳага илғор ва рақамли технологияларни жорий этиш...»² каби ислоҳотлар белгиланган. Аҳолига онкологик тиббий ёрдам кўрсатишнинг тизимини ислоҳ қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда «...аҳолининг ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий юқори технологияли усулларидан фойдаланишини яхшилаш, онкологик касалликларни даволашнинг юқори самарадорлигига эришиш...»³ каби устувор вазифалар белгиланган. Шундай

¹ Давыдов М. И. и др. Онкология. – 2019.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 02 октябрдаги ПҚ-4847-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 04 апрелдаги ПҚ-2866-сонли «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

килиб, онкологик касалликларни самарали даволаш ва ўз вақтида ташхислашда илмий-тадқиқот ишланмаларини талаб қиладиган долзарб йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган вазифаларни бажаришга, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли географик минтақаларда сўлак безлари ўсмаси билан касалланишнинг тарқалганлик даражаси ўзгарувчан бўлиб, Польша, Япония, Буюк Британия, Голландия, Чилининг 100 000 аҳоли сонига 2,51 дан 6,2 гача тўғри келади (Gontarz M.; Sentani K.; Valstar M.; Araya J.; Bradley P.). Бугунги кунга келиб, ЖССТнинг 2017 йилда қабул қилинган қулоқ олди сўлак беzi ўсмаларининг ҳалқаро гистологик таснифининг 4-чи нашрига асосан 11 та хавфсиз морфологик тури ажратилади (El-Naggar A.). Қулоқ олди сўлак беzi бошқа сўлак безларига караганда тез-тез хавфсиз ўсмалар ҳосилаларига учрайди, улар орасида плеоморфик аденома ва аденолимфома кўпроқ учрайди (Егорова Е.; Гао М.). Қулоқ олди сўлак беzi ўсмаларини ташхислашда ултратовуш текшируви (УТТ), асосий ва мажбурий усуллардан бўлиб, ҳосиланинг белгиларини ишончли баҳолаш имконини беради. УТТнинг сезувчанлиги 62,9%, спецификлиги 92% ташкил этади (Liu Y.). Бундан ташқари, МСКТ ва МРТ қулоқ олди сўлак беzi соҳасининг ўсмасини батафсил баҳолаш ва дифференциал ташхислашни юқори аниқликда ўтказиш имконини беради (Асланова Э.; Егорова Е.; Britt С.; Liu Y.). Қулоқ олди сўлак беzi хавфсиз ўсмаларининг узилиш шаклида ёки капсуланинг йўқлиги тузилиши хусусиятлари, мултифокал ўсиш тури жарроҳлик муолажасини етарли ҳажмда белгилайди, бу эса операциядан кейин юзага келадиган қайталанишлар сонини камайтиришга имкон беради (Witt R.; Gnepp D.). Қулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмаларини мажбурий жарроҳлик йўли билан даволашда муҳим вазифа – юз нерви толалари ва шохларнинг узлуксизлигини сақлашдан иборат (Людчик Т.; Croonenborghs Т.).

Ўзбекистонда олимлари томонидан бош ва бўйин соҳасининг бошқа турдаги ўсмаларига нисбатан, кулоқ олди сўлак беши хавфсиз ва хавфли ўсмаларининг эпидемиологик тарқалиши, гистологик турлари, ўзига хос клиник кўриниши, ташхислаш усуллари ва жарроҳлик йўли билан даволаш турлари ҳамда хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилган. Кулоқ олди сўлак беши ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш турлари ёритилган бўлиб, жарроҳлик муолажалари натижаларини яхшилаш мақсадида резекциясидан кейинги нуқсонни даволашда бирбосқичли жарроҳлик операцияси билан баргараф этишни қўллаш бўйича натижалар ўрганилган (Ганиев А., Камолова Ф., Хасанов А.).

Шундай қилиб, кулоқ олди сўлак беши ўсмаларини ташхислаш ва даволашга бағишланган илмий маълумотларнинг кенг ҳажми бу муаммонинг аҳамиятлилигини кўрсатади. Кулоқ олди сўлак беши ўсмаларини қиёсий ташхислашда соноэластография, МРТ, МСКТ каби информатив визуаллаштирувчи нур диагностика усулларидадан фойдаланишни талаб этувчи мураккаб вазифани ташкил этади. Шунга кўра, кулоқ олди сўлак беши ўсмаларини ташхислашнинг долзарблилигини кўрсатади, бу эса ўз навбатида адекват жарроҳлик йўли билан даволаш тактикаси танловини аниқлаб беради. Ўзбекистонда мазкур йўналишда маҳаллий нашрлар ва илмий изланишлар сонининг нисбатан камлиги кузатилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 011400198 «Юз-жағ соҳасининг ўсмалари ва ўсмасимон ҳосилаларининг этиологияси, клиникаси, ташхислаш ва даволаш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2019-2024 йй).

Тадқиқотнинг мақсади кулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмалари бўлган беморларни ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмалари бўлган беморларнинг клиник – ташхис белгиларини таҳлил қилиш;

кулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмаларида соноэластография, МСКТ, МРТ текширув усулларининг диагностик ахборотлилигини баҳолаш;

кулоқ олди сўлак безлари хавфсиз ўсмаларида жарроҳлик амалиёти орқали даволашда асоратлари ривожланишининг прогнозлаш омилларини клиник ва инструментал маълумотлар асосида аниқлаш;

кулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмалари учун жарроҳлик аралашув усулларини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиалига, шунингдек, Тошкент давлат стоматология институти клиникасига 2018-2020 йй. бўлган даврда 19 ёшдан 80 ёшгача бўлган 132 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кулоқ олди сўлак беzi ўсмалари бўлган беморларнинг клиник белгилари, соноэластография, МСКТ, МРТ ва жаррохлик операциялари материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмаларини текширишда клиник, инструментал, лаборатор ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кулоқ олди сўлак беzi хавфсиз ўсмалари учун 70% ҳолатларида компрессион соноэластографиядан олинган маълумотларга асосан иккинчи турдаги ранг нақши билан бирга бир хил рангланиши исботланган;

сонографияда олинган маълумотларни қўллашдан кулоқ олди сўлак беzi хавфсиз ўсмаларининг энг кўп тарқалган ва кам учрайдиган гистологик турларининг ултратовуш семиотикаси аниқланган;

кулоқ олди сўлак беzi ўсмаларини ташхислаш самарасини ошириш мақсадида, УТТ маълумотларига кўра аниқланган псевдокисталарда МРТни қўллаш исботланган;

кулоқ олди сўлак беzi хавфсиз ўсмаларини жаррохлик йўли билан даволашда ишончли аҳамиятга эга клиник ва инструментал маълумотларга асосан юзнинг мимика мускуллари парезини математик прогнозлаш модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

соноэластография, МРТ, МСКТ усулларни қўллаган ҳолда беморларни текшириш режаси ишлаб чиқилган;

усуллар ҳосилани ҳажмли визуаллаштириш, касалликнинг дастлабки босқичида дифференциал ташхислаш ва самарали жаррохлик муолажасини амалга оширишга имкон берган;

кулоқ олди сўлак беzi ўсмаларини жаррохлик амалиёти билан даволашда ўсмани адекват олинишида, юз нервини сақланган ҳолда ажратилишида ва керакли эстетик эффе́ктга эришишни таъминловчи Ковтунович бўйича тери кесув варианты қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, инструментал, лаборатория ва статистика усулларига асосланган замонавий методологиядан фойдаланиш, кулоқ олди сўлак беzi хавфсиз ўсмаларини ташхислаш ва даволашдан олинган натижаларнинг ҳорижий ва маҳаллий илмий ишлар билан мувофиқлиги ва таққосланганлиги, шунингдек, ваколатли ташкилотларнинг қарорига билан тасдиқланганлигига асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, кулоқ олди сўлак беzi хавфсиз ўсмалари билан боғлиқ муаммонинг ечимида характерли клиник белгилари, соноэластография, МСКТ ва МРТни қўллашнинг диагностик хусусиятларидан фойдаланиш орқали операциядан кейинги юз мускуллари парезини прогнозлаш, ҳамда жаррохлик даволашнинг тўғри тактикасини танлаш орқали катта ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмалари диагностик мезонлари эластик тури, шакл бузилиш индекси (Strain-ratio), МСКТ ва МРТ белгиларини ўз ичига олди ва жаррохлик даволаш асоратлари ривожланишининг прогнозлаш омиллари асосида ишлаб чиқилди, кулоқ олди сўлак беги ўсмасини субтотал резекциясидан фойдаланишнинг оптималлиги исботланди, операция давомида ўсмага адекват кириш йўли таъминлаш, юз нерви шохи ва толаларини сақлаб қолиш ва операциядан кейинги чандиқ эстетикасини таъминлаш учун Ковтунович кесуви вариантдан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Кулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмалар ташхиси ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмалар ташхислашда комплекс УТТ қўлланилишининг илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Кулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмалари ташхислашда соноэластографиядан фойдаланиш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-р/389-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмалари бўлган беморларда диагностика тадбирларини такомиллаштириш имконини берган;

кулоқ олди сўлак беги соҳасида хавфсиз ўсмалар жаррохлик даволаш турларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий натижалар асосида «Кулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмаларини жаррохлик даволашнинг модификацияланган усуллари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 8 октябрдаги 8н-р/371-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмалари бўлган беморларни жаррохлик даволашни оптималлаштириш имконини берган;

кулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмалар ташхислаш ва даволашдан кейин олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасига, Тошкент давлат стоматология институти клиникасига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/188-сон маълумотномаси). Тадқиқот олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш кулоқ олди сўлак беги хавфсиз ўсмалари бўлган беморларда ўз вақтида ва самарали ташхис қўйиш ва оптимал жаррохлик муолажасини амалга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 халқаро ва 7 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 1 таси республика ва 3 таси чет эл журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалиётган тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг асосий мақсади ва вазифалари, ўтказилган тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, Республиканинг фан ва техникаси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва чоп этилиши, диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертация мавзусига асосан биринчи боб **“Адабиётлар шарҳи”** маълумотларни таҳлил қилишга бағишланган ва тўртта бўлимдан иборат. Кулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмалари бўйича эпидемиологик маълумотлар келтирилган, ҳорижий ва маҳаллий олимларнинг ташхислаш ва даволашда замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Нур диагностикасида қуйидаги усулларнинг афзалликлари ва камчиликлари тўғрисида маълумотлар келтирилган: УТТ, соноэластография, МСКТ ва МРТ. Жарроҳлик йўли билан даволашнинг турлари ва хусусиятлари кўрсатилган. Кулоқ олди сўлак беги хавфсиз ўсмаларини ташхислаш мезонларини такомиллаштириш ва жарроҳлик йўли билан даволашни оптималлаштириш бўйича илмий тадқиқотларнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қилинади. Бобни таҳлил қилинган материалларни сарҳисоб қилиш, хулоса билан яқунланади.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** номли иккинчи бобида Республика Ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиалининг бош ва бўйин ўсмалари бўлимида, Тошкент давлат стоматология институти клиникасида 19 ёшдан 80 ёшгача бўлган 132 нафар бемор орасида ўтказилган клиник тадқиқотлар бўйича маълумотлар тақдим этилган.

Белгиланган мақсадга асосланиб, тасдиқланган клиник ташхисларга кўра ўрганилган беморларнинг умумий сони уч гуруҳга бўлинди. Асосий гуруҳни кулоқ олди сўлак беги хавфсиз ўсмалари (99 нафар), биринчи таққослаш гуруҳини – кулоқ олди сўлак безининг хавфли ўсмалари (27 нафар), иккинчи таққослаш гуруҳи- кулоқ олди сўлак безининг ўсма бўлмаган ҳосилалари (6 нафар) ташкил этди. Кулоқ олди сўлак беги ўсмалари бўлган беморларда клиник ташхис операциядан сўнг гистологик усул билан тасдиқланди.

Барча беморларга умумий ва махсус текширув усуллари ўтказилди. Умумий клиник текширувга қуйидагилар: шикоятлар ва касаллик тарихини аниқлаш, кўрик ва пальпация маълумотлари таҳлили киритилди.

Кулоқ олди сўлак беги ўсмалари бўлган беморларни комплекс УТТ текшируви, жумладан, махсус усуллар: В-режимдаги сонография, доплер ва

компрессияли соноэластографиядан (КСЭГ) ўтказишни ўз ичига олади. КСЭГ усули тўқималарнинг эластикликдаги фарқини рангли визуализациялашда ва қулоқ олди сўлак безининг шакли бузилган ўсмани атрофдаги ўзгармаган тўқималарига нисбатан катталигини баҳолашда (Strain-ratio индекси, SR) ултратовуш датчикнинг компрессив дозаланган сиқиш усулини қўллашдан иборат эди. КСЭГ LOGIQ S8 (GE XD Clear) аппаратида компрессион усулидан 7-10 МГц частотали, 9L чизикли датчик билан қўлланилди. КСЭГ маълумотларини таҳлил қилишда хавфсиз ва хавфли ўсма 5 эластотурини жамлаган E. Ueno (2006) таснифидан фойдаланилди.

Комплекс УТТ текширувининг маълумотларини МРТ ва МСКТ хулосалари билан солиштирдик. Қулоқ олди сўлак безининг 3,0 смдан катта ва унинг пастки жағ шохи (“акустик ойна”) чуқурлигида ва орқасида жойлашганлиги, УТ-датчиги билан компрессияни амалга ошириш қийинлиги, УТТ аппаратининг техник имкониятининг чегараланганлиги сабабли, ташхислашда МСКТ ва МРТ қўлланилди.

МСКТ – текшируви Somatom Emotion (Siemens Германия) аппаратида ўтказилди. Сагиттал, фронтал, трансверзал текисликлар реконструкцияси билан кесимлар қалинлиги 1,25мм.

МРТ – текшируви Ingenia 1,5 T (Германияда Phillips) аппаратида ўтказилди. МРТ-сигналнинг T1, T2 импульс тавсифли ва қуйидаги режимлар қўлланилди: T2-TSE, tra & sag; T1-SE cor, STIR cor 4 мм; DWI 2 мм.

Қуйилган вазифалардан келиб чиқиб, Қулоқ олди сўлак беzi ўсмаси бўлган беморларда КСЭГ, МРТ ва МСКТ текширувининг ахборотлилиги қуйидаги кўрсаткичларига асосан баҳоланди: сезувчанлиги, спецификлиги ва аниқлилиги.

Ушбу мақсадга эришиш учун қулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмаларини жаррохлик йўли билан даволашни (сўлак беzi резекцияси, субтотал резекция, паротидэктомия) баҳолаш амалга оширилди. Операция ҳажмини танлаш ўсманинг қуйидаги: гистологик тури, анатомо-топографик жойлашуви, ўлчами, атрофдаги юмшоқ ва суяк тўқималари билан ўзаро алоқаси, клиник кечиши хусусиятларига боғлиқ эди. Қулоқ олди сўлак беzi ўсмасига адекват кириш йўли ва юз нерв (ЮН) толаларини сақланган ҳолда ажратишда Редон бўйича ва Ковтунович бўйича тери кесув варианты ўрганилди.

Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили математик статистика ва «STATISTICA 10,0» амалий дастурлар тўплами ёрдамида амалга оширилди. Қулоқ олди сўлак беzi хавфсиз ўсмалари бўлган беморларни жаррохлик йўли билан даволашдан кейинги асоратларни прогнозлашда математик моделлаштиришнинг регрессион таҳлил усулидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Қулоқ олди сўлак беzi хавфсиз ўсмаларида шахсий тадқиқотлар натижалари**» деб номланган учинчи бобида асосий гуруҳдаги Қулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмалари бўлган 99 нафардан иборат беморларнинг клиник текширув натижалари келтирилган. Беморларнинг ўртача ёши $43,8 \pm 1,5$ ташкил этди. Эркаклар ва аёллар нисбати 1:1,48 эди. Энг тез-тез

учрайдиган ҳолат (66,6%) 21 ёшдан 50 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли беморларда кузатилган. Морфологик шакллар орасида плеоморф аденома ва аденолимфома 78,8% ва 14,1% нисбатдаги ҳолатларда кузатилган. Қулоқ олди сўлак беи соҳасида базал хужайрали аденома, папилляр цистаденома ва юз нервнинг экстракраниал шванномаси кам учрайди (5,1%, 1,0%, 1,0% нисбатида).

Тадқиқот натижаларига кўра плеоморф аденома (ПА) 19 ёшдан 76 ёшгача бўлган аёллар орасида 61,5% ҳолларда учради. Аёллар ва эркеклар 1,6:1,0 нисбатда эди. ПАнинг қайталаниши 5 нафар беморларда (6,4%) ташхисланди. Беморларнинг ўртача ёши $41,53 \pm 1,62$ ёшни ($p < 0,05$) ташкил этди. Анамнезда биринчи клиник белгиларнинг пайдо бўлишидан муолажагача бўлган давомийлик – $4,00 \pm 0,54$ йилни ($p < 0,05$) ташкил этди. УТТ натижаларига кўра ўсманинг ўртача горизонтал ва вертикал ўлчами $31,27 \pm 1,30$ мм ва $25,85 \pm 1,15$ мм нисбатни ($p < 0,05$) ташкил этди.

Аденолимфомаси (АЛ) бўлган беморлар ёши 24 – 69 ёшда эди, жумладан, 40-59 ёшда 57,1% да кузатилди. АЛ бўлган беморларнинг ўртача ёши $56,21 \pm 3,24$ ёшни ташкил этди ($p < 0,05$). Анамнез давомийлиги бир неча ойдан 5 йилгача бўлган даврни, ўртача – $2,10 \pm 0,37$ йилни ($p < 0,05$) ташкил этди. Эркеклар ва аёлларнинг нисбати 1,3:1 ни ташкил этди. Эркекларнинг барчаси чекувчи беморлар эди. УТТда ўсманинг ўртача ўлчами $26,79 \pm 2,70$ мм дан $19,93 \pm 2,06$ мм гача ($p < 0,05$) эди (1-жадвал). Беморларнинг жинси ва ўсманинг ўлчами ўртасида ишончли даражада манфий корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб ($r = -0,63$; $p < 0,05$), эркеклар орасида ўсма диаметрининг катталашини тенденцияси аниқланган бўлса, аёлларда эса аксинча пасайиши кузатилди.

Жадвал 1

Қулоқ олди сўлак беи хавфсиз ўсмалари клиник белгиларининг қиёсий хусусияти

Клиник белгилар		Плеоморф аденома (n=78)	Аденолимфома (n=14)
Беморларнинг ўртача ёши (ёш)		$41,53 \pm 1,62$	$56,21 \pm 3,24^*$
Касалликнинг давомийлиги (йил)		$4,00 \pm 0,54$	$2,10 \pm 0,37^*$
УТ-ўсма ўлчами	Горизонтал (мм)	$31,27 \pm 1,30$	$26,79 \pm 2,70$
	Вертикал (мм)	$25,85 \pm 1,15$	$19,93 \pm 2,06^*$

* фарқларнинг ишончилиги: ПА ва АЛ гуруҳлар ўртасида $p < 0,05$.

Қулоқ олди сўлак беининг хавфли ўсмалари бўлган биринчи таққослаш гуруҳида 27 нафар беморда ҳосил бўлиш частотаси бўйича эпителиал ҳосилалари (77,8% ҳолатларда) устун келди. Ноэпителиал ва иккиламчи (метастатик) ўсма улушларининг нисбати мос равишда 7,4% ва 14,8%ни ташкил этди. Бу касаллик 55,6% ҳолатларда аёллар орасида устун келди. Ўсманинг ўсиши давомийлиги ўртача $2,58 \pm 0,51$ йил давом этди. Олиб борилган тадқиқот хавфли ўсмаларнинг хавфсиз ўсмалардан ўзига хос

белгилар аниқланди ва қуйидагилар киритилди: 50 ёшдан юқорилар, УТ-ўсма ўлчами 3,0 см дан катта (жадвал 2).

Жадвал 2

Қулоқ олди сўлак безининг хавфли ва хавфсиз ўсмаларининг қиёсий клиник хусусиятлари

Клиник белгилар		Хавфсиз ўсмалар (n=99)	Хавфли ўсмалар (n=27)
Беморнинг ўртача ёши (йил)		43,79±1,50	51,30±2,37*
Касалликнинг давомийлиги (йил)		3,71±0,44	2,58±0,51
УТ-ўсма ўлчами	Горизонтал (мм)	30,34±1,14	39,85±4,29*
	Вертикал (мм)	25,24±1,06	31,65±2,93*


* фарқларнинг ишончилиги: хавфли ва хавфсиз ўсмалар гуруҳи ўртасида $p < 0,05$.

Қулоқ олди сўлак безининг ўсма бўлмаган ҳосилаларининг иккинчи таққослаш гуруҳида: 2 ҳолатларда сиаладеноз, 2 нафар беморда киста, сўлак тош касаллиги ва Герценберг сохта паротити келтирилган. Киста ташхиси жаррохлик даволашдан сўнг морфологик жиҳатдан ташхисланди. Ушбу беморлар гуруҳининг аксарият ҳолатларида (66,7%) аёллар кузатилган. Сиаладеноз ревматоид полиартрит билан касалланган аёл беморларда кузатилди.


Тадқиқотлар натижаларига кўра, қулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмалари учун қуйидаги УТТ мезонлари ҳос эди: якка ўсма тугунининг мавжудлиги - 92,93% да; контурларининг аниқлиги – 95,96%; чегараларнинг нотекислиги – 58,59%; ички тузилишининг гетерогенлиги – 83,84% ҳолатларда ($p < 0,05$); гипоехогенлиги – 89,90% да. Регионар лимфа тугунларининг ўртача ўлчами 7,28±0,39 ($p < 0,05$) мм.ни ташкил этарди. Ўсма ва регионар лимфа тугунларининг ўлчамлари ўртасида ижобий корреляцион боғлиқлиги белгиланди ($r=0,27$; $p < 0,05$). Шунингдек, эхогенлилик кўрсаткичи ва ўсма тузилиши ўртасида ҳам ишончли ижобий корреляцион боғлиқлик қайд этилди ($r=0,24$; $p < 0,05$). Псевдокиста 9,1% ҳолатларда кузатилди.

Допплер кўрсаткичлари орасида қулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмаларида қон оқимининг гиповаскулярилиги 88,89% ҳолатларда, хавфли ўсмаларда эса гиперваскулярилик (77,78% да) кузатилди.

КСЭГ 31 беморлардан иборат гуруҳда ўтказилди, улардан 20 нафари қулоқ олди сўлак беги хавфсиз ўсмалари, 7 нафарида рак ва 4 нафарида қулоқ олди сўлак безининг ўсма бўлмаган касалликлари мавжуд эди. Қулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмаларини олинган эластограмма таҳлили натижасида E. Уено таснифига асосан 70% ҳолатларда иккинчи эластотур, 20% да- учинчи эластотур, 10% да – тўртинчи турдаги ранг нақшлари ҳос эди (1, 2 расмлар).



1-расм. Қулоқ олди сўлак беzi хавфсиз ўсмалари КСЭГ.



2-расм. Қулоқ олди сўлак беzi плеоморф аденомаси. E. Уено таснифининг ранг нақшлари бўйича 2- эластотур.


Қулоқ олди сўлак беzi хавфсиз ўсмаларининг КСЭГ режимида ишончли каттиқлик индексининг (Strain-ratio) ўртача кўрсаткичи $3,59 \pm 0,10$ ташкил этган бўлса, саратон касаллигида – $5,66 \pm 0,73$ ($p < 0,05$). Бундан ташқари, КСЭГ Қулоқ олди сўлак безининг хавфли ўсмаларини инвазив ўсишини ташхислашнинг имконини берди.

КСЭГ режимида текширув ўтказилганда қуйидагилар аниқланди: 26 беморда ҳақиқий-ижобий натижалар, 3 нафар беморларда ўсма бўлмаган кистоз хусусиятли касаллик – ҳақиқий-манфий натижалар, 1 нафарда сохта-ижобий ва 1 нафарда сохта-манфий натижа. Натижада, қулоқ олди сўлак беzi хавфсиз ўсмаларини ташхислашда КСЭГ сезувчанлиги - 96,3%, спецификлиги – 75%, аниқлиги – 93,5%ни ташкил этди.

Шундай қилиб, КСЭГда қулоқ олди сўлак беzi ўсмасининг тузилишини ташхислашда аниқлилик ошади, шу билан бирга, стандарт УТТ яхшиланади ва такомиллашади; агар беморда психоэмоционал ўзгаришлар мавжуд бўлса (МРТ ва КТ текширувидаги клаустрофобия, асаб касалликлари) текширувни ўтказиш мумкин; катта ҳажмдаги алоҳида махсус ускуналар талаб қилинмайди. КСЭГ камчиликлари орасида қуйидагилар қайд этилди: қулоқ олди сўлак безининг катта ўлчамдаги ўсмаларида (7-8 см.дан ортиқ)

сезувчанликнинг пасайиши; усулнинг ахборотлилиги текширувчи томонидан ўрнатилган компрессион куч ва йўналишига боғлиқ.

МСКТ текшируви 15 нафар бемордан иборат гуруҳда, уларнинг 10 нафари хавсиз, 1 нафари хавфли ва 4 нафари ўсма бўлмаган кулоқ олди сўлак беzi касалликлари бўлган беморларда ўтказилди. Кулоқ олди сўлак беzi хавфсиз ўсмалари орасида ПАнинг учраши кенг тарқалган эди. МСКТ текшируви натижаларига кўра кулоқ олди сўлак беzi хавфсиз ўсмаларининг ўртача катталиги куйидагича қайд этилди: баландлиги $38,10 \pm 5,40$ мм, кенглиги $28,50 \pm 3,53$ мм, олд-орқа $30,60 \pm 3,94$ мм. Ўсма зичлигининг ўртача ўлчами $33,30 \pm 3,06$ Хбир. дан $55,14 \pm 5,35$ Хбир. ичида аниқланди. МСКТ белгилари орасида: контурларнинг аниқлиги – 90%, ички тузилишнинг гомогенлиги – 80%, чегараларнинг текислиги – 80%, думалоқ шакл – 50% (расм 3). Регионар лимфатик тугунларнинг ўртача ўлчами $10,67 \pm 1,33$ мм.ни ташкил этди.



3-расм. Кулоқ олди сўлак безининг чап томонлама плеоморф аденомасининг (↑) МСКТ-текшируви, думалоқ шакл кўринишида, гомоген тузилиш эга, аниқ контур ва текис чегаралар билан келтирилган.

Қиёсий ташхислашни ўтказишда МСКТда кулоқ олди сўлак беzi хавфли ўсмаси катта (75 мм.дан катта), гетероген тузилишга эга нотўғри шаклга эга, контурлари аниқ бўлмаган ва нотекис чегарали ҳосила кўринишида, қўшни анатомик тузилмаларнинг инфильтрацияланганлиги билан аниқланди.


Сўлак тош касаллигининг қиёсий ташхиси учун МСКТ-сиалография усули кулоқ олди сўлак беzi сўлак йўлига «Тразограф» рентгенконтраст эритмасини юбориш билан қўлланилди. Биринчи ҳолатда, кулоқ олди сўлак беzi сиаладенози МСКТ бўйича иккита алоҳида жойлашган тугунлардан иборат, уларнинг ҳар бирининг максимал ўлчамлари 16 мм.гача, гомоген тузулишга эга, зичлиги +30 Хбир.дан +90 Хбир.гача, аниқ контур ва текис чегаралари билан аниқланди. Ушбу МСКТ белгилар сохта-ижобий ташхис кўйилишига хизмат қилди. Иккинчи клиник ҳолатда, сиаладеноз МСКТ-граммада безларнинг билатерал катталашуви, гетероген тузилиши, зичлиги +44 +45 Хбир., без тузилишида диаметри 2 мм.гача бўлган кўплаб калцинатлар мавжудлигини кўрсатди. МСКТда Герценберг сохта паротити кулоқ олди

сўлак безининг нормал шакли, зичлиги ва ўлчамлилиги билан тавсифланди, зичланган гомоген соҳа 1,0 смгача, зичлиги +35 Хбир.

Қулоқ олди сўлак безининг ўсма бўлмаган касалликларининг МСКТ-текшируви натижасида 3 нафар беморда ҳақиқий салбий натижалар олинди. Қулоқ олди сўлак бези ўсмалари орасида 1та сохта-манфий ва 10 та ҳақиқий-ижобий натижалар олинди. Натижада, қулоқ олди сўлак бези ўсмалари МСКТ тадқиқотининг сезувчанлиги 90,9%, спецификлиги – 75%, аниқлиги – 86,7%ни ташкил этди.

Шундай қилиб, МСКТ қулоқ олди сўлак бези соҳасидаги ўсма ва ўсма бўлмаган ҳосилаларнинг қиёсий ташхислаш учун ишлатилган. МСКТ текшируви ўсма жараёнини аниқ ва тўлиқ баҳолашга имкон берди. МСКТ қулоқ олди сўлак безининг хавфли ўсмасини аниқ фарқлаш имконини бермасида, ушбу усул ёрдамида атрофдаги тўқималарнинг инфильтрация белгиларини аниқланиши сабабли хавфли ўсма жараёнига шубхаланиш имконини берди, бу эса беморларда кейинги ўтказиладиган даволанишнинг тактикасига таъсир кўрсатди. Шунингдек, паренхиманинг, без ичи ва атрофдаги лимфа тугунларининг тузилишини баҳолашда МСКТнинг аҳамияти катта бўлиб, бу қулоқ олди сўлак безидаги яллиғланиш ва реактив-дистрофик жараёнларни ўрганиш самарадорлигини акс эттирди.

МРТ ёрдамида 16 нафар беморда текширув ўтказилди: 12 нафари хавфсиз, 3 нафари хавфли ўсмалар билан, 1 нафари қулоқ олди сўлак бези кистаси. Хавфсиз ўсма ўлчамининг медианаси: баландлиги – $27,08 \pm 3,19$ мм, кенглиги – $24,92 \pm 2,78$ мм, олд-орқа – $21,58 \pm 1,90$ мм.ни ташкил этди. Қуйидаги МРТ белгилари хос эди: гетероген ички тузилиши (83,33%), аниқ контур (83,33%), нотекис чегаралари (66,67%). Катталашган регионар лимфатик тугунларнинг ўртача ўлчами $10,57 \pm 1,38$ мм.ни ташкил этди. МРТ текширувида ПА аниқ контур ва текис чегаралар, T1-режимда гипоинтенсив ва изоинтенсив, T2-режимда – гиперинтенсив сигнал билан тавсифланди (расм 4).



А

4-расм. Қулоқ олди сўлак безининг ўнг томонлама плеоморф аденомаси.



А – T1 –ўлчамли тасвирда гипо-, изоинтенсив сигнал.



Б

4-расм. Б – T2-ўлчамли тасвирда гиперинтенсив сигнал.

АЛ учун МРТ-текширувида қуйидагилар хос эди: таркибида кистозли қўшимчалар билан аниқ чегараланган солид ҳосила; Т1-ўлчамли тасвирда таркибида юқори микдорда оқсил кисталари ва қон қуйилишидан далолат берувчи гиперинтенсив соҳалар бўлиши мумкин бўлган, изо- ёки гипоинтенсив сигналлар; Т2-режимда изо- ёки гиперинтенсив сигналлар аниқланди (5 расм).



5-расм. Кулоқ олди сўлак безининг чап томонлама аденолимфомаси.
А – Т1 режимида аксиал кесим:
енгил гиперинтенсив соҳалар билан
гипоинтенсив сигнал.

5-расм. Б – Т2 режимида фронтал
кесим: изо- ва гиперинтенсив
сигнал.

МРТ текширувларида кулоқ олди сўлак бези хавфли ўсмаларини инвазив ўсиш каби муҳим патогномик белгининг мавжудлиги билан ажратилди. Улар учун қуйидаги хос эди: контурларнинг ноаниқлиги, Т1 ва Т2 ўлчанган тасвирларда бир хил бўлмаган сигналнинг интенсивлиги.

Текширув натижасида ўсмалари бўлган 14 беморда ҳақиқий-ижобий, кулоқ олди сўлак бези кистаси бўлган 1 нафар беморда ҳақиқий салбий, ПА бўлган 1 нафар беморда сохта – манфий натижалар олинди. МРТ текширувининг диагностик ахборотлилиги қуйидагиларни ташкил этди: сезувчанлиги – 93,3%, спецификлиги – 100%, аниқлиги – 93,8%.

Диссертациянинг «Кулоқ олди безининг хавфсиз ўсмаларини жарроҳлик амалиёти билан даволашнинг натижалари» номли тўртинчи бобида тери кесувларининг 2 хил вариантлари келтирилган: Редон бўйича (n=45 нафар бемор) ва Ковтунович бўйича кесув варианты (n=54 нафар бемор). Кесув узунлиги кулоқ олди сўлак бези ўсмасининг ўлчамига боғлиқ эди. Тери кесувларининг иккала ҳолатида ҳам кулоқ олди соҳасида бошланиб бўйиннинг ён қисмида тугайди. Редон бўйича бўйиндаги кесув вертикал, Ковтунович бўйича кесув варианты эса, бўйиннинг юқори бурмасига тўғри келди (6 расм).



А

6-расм. Тери кесувларининг вариантлари.

А – Редон бўйича.



Б

Б – Ковтунович бўйича тери кесув варианты.

Иккала вариантдаги кесувларда ЮН шохи ва толаларининг визуал назорат остида кулоқ олди сўлак беги ўсмасига бир хил оптимал кириш йўлини таъминлаб берди. ЮН шохи ва толалари антеград усулда – 65,7%, ретроград усулда – 32,3% ҳолатларда ажратилди, кузатилди ва сақланди.

62,3% ҳолатларда Редон бўйича тери кесуви қўлланилган беморларда, операциядан кейинги чандиқ соҳасида қичишишга, безовталиқга ва қизаришга шикоятларга, уларнинг кўриниши қаттиқ ва теридан бўртиб турувчи ташқи кўринишга эга эди. Ковтунович бўйича тери кесув варианты табиий бўйин бурмаси бўйлаб ўтиши сабабли, кўпроқ физиологик бўлиб, операциядан кейинги эстетик ва текис чандиқ ҳосил бўлишини таъминлади. Барча беморлар операциядан кейинги чандиқ соҳасида қичишиш, қизариш ва оғриқнинг йўқлигини таъкидладилар (7 расм).



А



Б

7-расм. Операциядан кейинги чандиқ.
А – Ковтунович бўйича тери кесув варианты.
Б – Редон бўйича кесув.

Кичик ҳажмдаги жарроҳлик аралашуви ўсмани олиб ташлаш билан бирга қулоқ олди сўлак безининг пастки ёки орқа қисмининг резекцияси эди. 28 нафар бемор операция қилинди, улардан 21 нафар беморлар (75%) ПА билан, 6 таси (21%) АЛ билан ва 1 та (4%) цистаденома билан. Ўсманинг ўртача ўлчами $25 \pm 1,5$ мм ташкил этди. Аёлларнинг эркакларга бўлган нисбати 1,8:1 бўлиб, операция қилинганларнинг ёши 19 дан 68 гача бўлган беморларни ташкил этди. Операция вақтида кўплаб клиник ҳолатларда ЮНнинг пастки жағ маргинал толалари ажратилди ва кузатилди.

Субтотал резекция 64 нафар беморларда ЮН толаларининг текислигида оптимал ҳажмдаги операция бўлиб, улардан 53 беморларда (82,8%) ПА, 5 нафариди (7,8%) – базалхужайрали аденома, 5 нафар беморда (7,8%) АЛ, ЮН невриноماسи – 1 та беморда (1,6%) кузатилди. Беморларнинг ёши 21 дан 76 ёшгачани ташкил этди. Аёллар 56,3%ни, эркаклар-43,8%ни ташкил этди. Қулоқ олди сўлак беги хавфсиз ўсмасининг ўртача ўлчами $28,8 \pm 1,10$ мм.ни ташкил этди. Қулоқ олди сўлак безининг субтотал резекциясини ўтказишда сўлак безининг юза қисми билан бирга, унда жойлашган ўсма ҳам олиб ташланди, антеград усул ёрдамида ЮНнинг шохи ва толалари кузатилди ва ажратилди.

Паротидэктомия 22 ёшдан 66 ёшгача бўлган, 5 та аёл ва 2та эркакларда, ЮН сақлаб қолиш билан бирга ўтказилди. 57,1% ҳолатларда ПА ташхисланди, шу қаторда 3 та аёлда ПАнинг қайталаниши кузатилди. Бошқа ҳолатларда АЛ ташхисланди. Мазкур усул билан 3,5 – 7,0 см ўлчамли хавфсиз ўсма, кўптугунлилик узиш хусусияти эга, ингичка игна пункцион аспирацион биопсияси натижасида атипик хужайраларнинг мавжудлиги, ўсма безнинг чуқур қисмида ёки ЮН толалари остида жойлашган ҳолатларда операция ўтказилди. Бундан ташқари, 4 нафар беморларда ПА кўп қайталанган, ўсманинг 6,0 см.гача бўлган ўлчамида, ЮН сақлаган ҳолда комбинацияланган паротидэктомия ўтказилди, бунда яхлит блок кўринишида қулоқ олди сўлак беги, ҳамда ўсма тугунлари жойлашган бошқа юмшоқ тўқималар (тери, операциядан кейинги чандиқ, чайнов мушаги) олиб ташланди.

Қулоқ олди сўлак беги хавфсиз ўсмаларини даволашда жарроҳлик аралашуви ҳажмини адекват танлаб олиш, қайталанишлар ривожланиши кўрсаткичларининг пасайишига эришиш имконини берди, шундай қилиб, 22 ёшли беморда ПА нинг қайталаниши кузатилди. Ушбу бемор операциядан кейин бир йил ичида қайталанган ПА бўйича 2 та операцияларни ўтказди.

Қулоқ олди сўлак беги ўсмасини олиб ташлаш вақтида ЮН бутунлигини мажбурий ёки билмасдан шикастланган ҳолатларда, нейропластика бир вақтнинг ўзида шох ёки толаларнинг нейрорафияси билан амалга оширилди. ЮН нейрорафияси "учи учига" усули жарроҳлик даволаш пайтида 2 ҳолатларда амалга оширилди: биринчи ҳолатда ЮНнинг экстракраниал

шванномаси шохдан келиб чиққан бўлса, бошқа ҳолатда – ЮНнинг лунж ва пастки жағ маргинал толалари билан ўсманинг кичик соҳасида боғланган ҳолатда эди.

Паротидэктомиядан сўнг ҳосил бўлган юмшоқ тўқималарнинг нуқсонини бартараф этиш ва Фрей синдроми ривожланишининг олдини олиш мақсадида кулоқ олди сўлак беzi соҳаси яқинида жойлашган sternocleidomastoideus мушагидан ажратиб кесилган лахтаги ишлатилган. Лахтакларни ҳосил қилиш усули техник жиҳатдан осон бажарилади ва кўшимча жарроҳлик шикастланишига олиб келадиган имплантация материалдан ёки ауто трансплантатдан фойдаланишни талаб қилмайди.

Кулоқ олди сўлак беzi хавфсиз ўсмаларини жарроҳлик даволашдан сўнг, энг тез-тез учрайдиган асорат сифатида биз юннинг парезини, кўпинча, Хаус-Бракман шкаласи (House-Brackmann scale) бўйича 2-даражасини қайд этдик. Операциядан кейинги 1-ҳафта охирида юз мушаклари парезлари белгилари бўлган беморларга бизнинг модификацияланган мушаклар учун машқлар комплексидан иборат гимнастика муолажаси тавсия этилди.

Кулоқ олди сўлак беzi хавфсиз ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг асоратларини ривожланишининг прогнозлаш омилларини аниқлаш учун 68 та клиник ва инструментал белгилар ўрганилди. Таҳлил қилиш учун сифат кўрсаткичлари микдорий кўрсаткичларга айлантирилди ва энг кичик квадратлар усули ёрдамида юз мушаклари парези ривожланишида статистик жиҳатдан муҳим клиник ва диагностик белгилари аниқланди.

Ҳисоб-китоблар натижасида, субтотал резекция (L1), пастки қисмини резекция қилиш (L2), паротидэктомия (L3) асоратларини башорат қилиш учун математик модел олинди.

Субтотал резекцияда асоратларни прогнозлаш модели:

$$\text{Eff (L1)} = -1,5677 + 0,0783 \times Z(1) + 0,0024 \times X(1) - 0,0344 \times Y(1) + 0,3094 \times X(10) + 0,3885 \times X(11) - 0,5186 \times X(12) + 0,0853 \times X(13)$$

Пастки қисмининг резекциясида асоратларни прогнозлаш модели:

$$\text{Eff (L2)} = -0,5959 + 0,0039 \times X(1) + 0,0448 \times Z(1) + 0,1678 \times Y(3) - 0,0114 \times X(2) - 0,0037 \times X(5) + 0,0618 \times Z(4)$$

Паротидэктомияда асоратларни прогнозлаш модели:

$$\text{Eff -A (L3)} = -0,2169 + 0,0098 \times X(1) + 0,2406 \times X(2) + 0,1659 \times X(3) + 0,1349 \times Z(2) + 0,0251 \times X(4) - 0,0167 \times X(5)$$

$$\text{Eff -B (L3)} = 0,4011 + 0,0767 \times Y(2) + 0,0178 \times X(1) - 0,2151 \times X(2) + 0,3769 \times X(3) + 0,0410 \times Z(2) + 0,0326 \times Z(5)$$

$$\text{Eff (L3)} = (\text{Eff-A (L3)} + \text{Eff-B (L3)}) / 2$$

Математик моделда хато 2%дан ошмади, бу унинг башорат қилиш самарадорлигини кўрсатди. Олинган тенгламалар асосида "Кулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмалари бўлган беморларда жарроҳлик даволашнинг асоратларини башорат қилиш" электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур ёрдамида кулоқ олди сўлак безининг хавфсиз ўсмалари бўлган беморларда юз мушакларининг парезини ривожланиш

хавфини прогнозлаш мумкин, бу эса даволашнинг тактикасини ва реабилитация тадбирларни қўллаш зарурлигини аниқлаб беради.

ХУЛОСА

«Қулоқ олди сўлак беги хавфсиз ўсмаларини ташхислаш ва даволашда қиёсий ёндашув» мавзусидаги тиббиёт бўйича фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Олинган клиник – ташхислаш маълумотларга асосан қулоқ олди сўлак беги хавфсиз усмаларининг УТТ белгилари аниқланди: контурларнинг аниқлилиги – 95,96%, якка ўсма тугунлари – 92,93%, гипоэхогенлик – 89,90%, гетероген ички тузилиш – 83,84% ($p < 0,05$), нотекис чегаралар – 58,59%, регионар лимфа тугунларининг катталашини – 23,23%.

2. Қулоқ олди сўлак беги хавфсиз ўсмалари соноэластографияси диагностикасининг ахборотлилиги қуйидагиларни ташкил этди: сезувчанлиги – 96,3%, спецификлиги – 75%, аниқлиги – 93,5%. 70% ҳолатларда 2-эластотур кузатилди, шакл бузилиш индекси (Strain-ratio) $3,59 \pm 0,10$ ($p < 0,05$) кўрсаткични ташкил этди.

3. Қулоқ олди сўлак беги хавфсиз ўсмаларини дифференциал ташхислашда МСКТ-текширувининг ахборотлилиги қуйидагиларни ташкил этди: сезувчанлиги - 90,9%, спецификлиги – 75%, аниқлиги – 86,7%. МРТ-текширувининг ахборотлилиги қуйидагиларни ташкил этди: сезувчанлиги – 93,3%, спецификлиги – 100%, аниқлиги – 93,8%.

4. Корреляцион таҳлил асосида субтотал резекция ўтказилганда юз мимик мушаклари парези ривожланишининг ишончли прогнозлаш омиллари ($p < 0,05$) аниқланди: жинси, ёши, цитологик текширув натижаси, шакл бузилиш индекси кўрсаткичи (Strain-ratio), МСКТ ёки МРТда ўсманинг ўлчами.

5. Олинган маълумотларга асосан, қулоқ олди сўлак беги хавфсиз ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашда оптимал усул, бу юз нервлари сақланган ҳолда субтотал резекция, ўсманинг олинишини ва юз симметриясини сақланишини таъминлайди.

6. Ковтунович бўйича тери кесув вариантини бўйиннинг юқори бурмаси бўйлаб қўллаш ўсмага оптимал йўл билан киришни, юз нерв толаларини сақлаган ҳолда ажратиш ва операциядан кейинги эстетик чандиқ ҳосил бўлишини таъминлаб беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ПРИСКУЛОВА ЭЛЬМИРА УРАИМКУЛОВНА

**ДИФФЕРЕНЦИРОВАННЫЙ ПОДХОД К ДИАГНОСТИКЕ И
ЛЕЧЕНИЮ ДОБРОКАЧЕСТВЕННЫХ ОПУХОЛЕЙ ОКОЛОУШНОЙ
СЛЮННОЙ ЖЕЛЕЗЫ**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2018.2.PhD/Tib682.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице научного совета (www.tsdі.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Жилонов Абдубори Астонаевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Боймурадов Шухрат Абдужалилович
доктор медицинских наук, профессор
(Республика Узбекистан)

Аржанцев Андрей Павлович
доктор медицинских наук, профессор
(Российская Федерация)

Ведущая организация

**Казахский национальный медицинский университет
имени С.Д. Асфендиярова (Республика Казахстан)**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте (Адрес: 100047, г. Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tsdi2016@mail.ru).

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 100047, г. Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2021 года).

Н.К. Хайдаров

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

Л.Э. Хасанова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

У.А. Шукурова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Онкологическая настороженность в отношении пациентов с заболеваниями слюнных желез остаётся актуальной, так как по клиническим проявлениям кисты и сиаладенозы схожи с опухолями. Околоушные железы поражаются опухолевым процессом чаще всех остальных больших слюнных желез. Имеющиеся научные данные свидетельствуют об увеличении распространенности заболеваемости доброкачественными опухолями околоушной железы. Среди большого числа гистологических видов преобладают по встречаемости эпителиальные доброкачественные опухоли околоушной железы, в ряду которых плеоморфная аденома занимает первое место. Согласно данных зарубежных авторов «...к группе риска относят доброкачественные опухоли слюнных желез; их хирургическое лечение является мерой профилактики рака данной локализации...»¹. Следовательно, опухоли в области околоушной железы представляют интерес для врачей диагностического и клинического профилей.

В мире научные данные по мере накопления и совершенствования оформились в Международную гистологическую классификацию опухолей слюнных желез, которая в настоящее время, увеличившись и изменившись, насчитывает четыре редакции. Приоритетными научно – исследовательскими направлениями являются усовершенствование методов диагностики; применение в диагностике опухолей околоушной железы комплексного ультразвукового исследования, мультиспиральной компьютерной томографии (МСКТ) и магнитно – резонансной томографии (МРТ). Наряду с этим при проведении лечения доброкачественных опухолей околоушной железы хирургический опыт исследователей доказывает целесообразность применения адекватного объема операций с обязательным сохранением лицевого нерва: экстракапсулярной диссекции, резекции части железы, субтотальной резекции (поверхностной паротидэктомии), паротидэктомии, которые также считаются актуальными задачами.

В нашей стране уделяется особое и постоянное внимание развитию медицины. В связи с этим определено «...в целях дальнейшего повышения эффективности реформ, проводимых в системе здравоохранения, внедрения в данную сферу передовых и цифровых технологий...»². Ведутся работы по реформированию в системе оказания онкологической медицинской помощи населению «...улучшение доступа населения к современным высокотехнологичным методам диагностики и лечения, достижение высокой эффективности лечения онкологических заболеваний...»³ в качестве приоритетных задач. Следовательно, своевременная диагностика и

¹ Давыдов М. И. и др. Онкология. – 2019.

² Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4847 от 02 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного управления сферой здравоохранения».

³ Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-2866 от 04 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию онкологической службы и совершенствованию онкологической помощи населению Республики Узбекистан на 2017 — 2021 годы».

эффективное лечение онкологических заболеваний продолжает оставаться актуальным направлением, требующим научно – исследовательских разработок.

Данная диссертационная работа в определенной степени послужит выполнению задач, предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан: УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП – 5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, №ПП – 2866 «О мерах по дальнейшему развитию онкологической службы и совершенствованию онкологической помощи населению Республики Узбекистан на 2017-21 годы» от 4 апреля 2017 года, а также в других нормативно – правовых документах, принятых для данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с реализацией приоритетных направлений науки и технологий Республики Узбекистан – VI. «Медицина и фармакология».

